

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «16» 4

2022-301-7-95-МТ-
сон

Иштихон шаҳри

Кейинги ўринларда “Пудратчи” номидан «МУРОДОБОД СЕТИ» МЧЖ устав асосида харакат қилувчи қурувчи Турсунмурод Киличевич бир томондан ва Иштихон мактабгача бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида харакат қилувчи Сайдмуратова Гулчехра иккинчи томондан, қуидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Иштихон мактабгача таълим бўлими ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади, яъни **Иштихон туман Мактабгача таълим бўлимига қарашли 19-сонли Мактабгача таълим ташкилотини куз-киш мавсумига тайёрлаш мақсадида жорий таъмирлаш**, Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси **140 292 949** (бир юз кирқ миллион икки юз тўқсан икки минг тўққиз юз кирқ тўққиз) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қуидагиларни олади: таъмирлаш ишларини

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнгги баҳо Иштихон мактабгача таълим бўлими тақдим этган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3- бандида белгиланган тартибда қопланади.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуидаги тартибда амалга оширилади 30% аванс, 70% тугаллангандан кейин (*бир вақтнинг ўзида, аванс тўлови билан бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳ.к)* шакли:

Тўлов шакли: Пул кўчириш йўли билан

(*тўлов талабномаси, топшириқномаси, чек ва ҳ.к)*)

3.3. Шартнома бўйича сўнгги хисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш хисобга олинган ҳолда. 10 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1-илва).

4.2. Буюртмачи қуидаги муддатларда пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди: **140 292 949 сўм**

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши - 2022 йил апрел

Тугаши - 2022 йил 31-декабр

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчиининг мажбуриятлари:

Ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиха хужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

Лойихага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни саклашни амалга ошириш;

Ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни куриш;

Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳакида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчи томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қурилиш майдончасида техника ва ёнгин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

курилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш;

курилиши тугалланган объектларни қабул қилиш

З кунлик муддатда

курилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

Пудратчига ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичida объектни қабул қилиб олиш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айборд тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айборд тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончasi бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий оғатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 1 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташабуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикасининг судида ҳал қилинади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

9.1. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабарининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо, бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита рози бўлиш хатти- ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбарлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиласидилар.

9.2. Томонда ушбу Шартноманинг 9.1.-бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

«Пудратчи»	«Буюртмачи»
«МУРОДОБОД СЕТИ» МЧЖ Тел: 93.354.40.30	Иштихон туман Мактабгача таълим бўлими

X/P: 20208000605088329001 Банк номи: ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ Боғишамол филиали МФО: 01126 СТИР: 306408929	Манзил: Иштихон ш. А.Темир кўчаси 4-й Тел/факс: 629-22-80 Ш/ХВ: 100022860182127091100251001 СТИР: 207266465 ИФУТ: 84119 Иштихон т. бўйиза Газначилик Булинмаси Газна X/P: 23403000300100001010 Банк номи: Марказий б. Тошкент ш. ХКМ МФО: 00014 СТИР: 201122919 Рахбар Г.Сайдмуратова
Рахбар <u>Турганов</u> Турсунмурод М.У 	 



Банк номи: ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ Боғишамол филиали МФО: 01126 СТИР: 306408929	Манзил: Иштихон ш. А.Темир кўчаси 4-й Тел/факс: 629-22-80 Ш/ХВ: 100022860182127091100251001 СТИР: 207266465 ИФУТ: 84119 Иштихон т. бўйиза Газначилик Булинмаси Газна X/P: 23403000300100001010 Банк номи: Марказий б. Тошкент ш. ХКМ МФО: 00014 СТИР: 201122919 Рахбар Г.Сайдмуратова
--	---

ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮГРИСИДА ҲУҚУКИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури

Шартнома

2. Лойиҳанинг номи

Пудрат шартномаси

(Иштихон туман **Мактабгача таълим бўлими** ва “Муродобод Сети”
МЧЖ ўртасида тузилган пудрат шартномаси. Ушбу шартнома Ўз.Р.Фуқаролик
кодекси ва Ўз.Р. “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-
Қонуни талабларига асосан тузилган)

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот

Иштихон туман Мактабгача таълим бўлими 11.04.2022

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни
қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

2022 йил «11» апрел

Марказ бошлиғи:



Ш.М.Юлдашев



**Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MURODOBOD CETI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkilly-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

"MURODOBOD CETI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartilgan nomi)

Tashkili etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

28.05.2019

727312

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'loychining identifikasiya raqami (STIR):

306458929

Tashkilly-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, Safoxo'ja MFY Qangli qishlog'i,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatidan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Bark

